ШЕРМУҲАМЕДОВ

БАРЧАДИН ЯХШИРОҚ ҲАЁТ ГУЛИ...



РОМАНЧИЛИКНИНГ КЕНГ УФҚЛАРИ

Яқинда бир таниқли социолог билан ҳозирги романлар тўғрисида суҳбатлашиб, унинг фикрлари билан қизиқдим.

«Биласизми, модалар тез ўтиб кетади,— деди у.— Лекин ҳақиқий нарсалар қолади. Мана ҳозир «ретро» услуби, яъни Пушкин, Толстойлар даври модаларига ёшлар билан бирга катталар ҳам қизиқиб қарамоқдалар. Бу вақтинчалик, юзаки қизиқиш. Лекин Пушкин, Толстой ва уларнинг асарлари ўткинчи эмас, улар абадий. Мен на «ретро» йўлини, на «модерн» услубини қадрлайман. Қуруқ тажрибаларнинг санъатга нафи тегмайди. Л. Аннинскийнинг мажоз, гипербола, гротесклардан воз кечиб, ҳаётни тўғри, ҳаққоний акс эттириш керак, деган фикрлари менга жуда маъқул тушди».

Социолог дўстимнинг услублар ранг-баранглигини рад этишига албатта, қўшилолмайман. Чунки хилма-хил усул, услублар бугун пайдо бўлгани йўқ. Улар Пушкин, Гоголь, Толстой асарларида ҳам мавжуд эди. Лекин асосий масалада у ҳақ: замонавий романнинг ривожи учун унда ҳозир тилга олинган адиблар анъаналари, гуманизм, ҳаётни жиддий тадқиқ этиш традициялари давом эттирилиши керак. Роман — усулларнинг қуруқ йиғиндиси эмас. Ҳақиқий роман — ўз замонаси мазмуни, моҳияти, гуманизми, бунинг учун олиб борилган шиддатли курашларнинг манзараси, портретидир.

Менингча, ҳозирги романлардаги ютуқ ва камчиликларни худди шу масалалар атрофида, инсоний аспектда таҳлил этиш керак. Мени, масалан, ҳозирги романчиликнинг уч жиҳати қизиқтиради.

Биринчиси, романга хос мушоҳада. Олтмишинчи йиллар охири — етмишинчи йиллар бошларида романга хос мушоҳаданинг бир оз сусайиб, жанрнинг ижтимоий-фалсафий миқёслари хийлагина торайганлигини айтиб ўтиш керак. Бу ҳақда Е. Сидоров ҳам етмишинчи йиллар прозаси тўғрисидаги мақоласида куйинчаклик билан айтиб ўтган эди.

Романга хос мушоҳада нима? Бу санъаткорнинг бе-зовта олам, инсон тақдири тўғрисидаги ўйлари, юрак туғёнларидир. Дастлабки саҳифаларданоқ юксак санъаткорона маҳорат билан қудратли фалсафий тафаккурнинг уйғунлашиб кетишидир...

Етмишинчи йилларнинг ўртасида Ю. Бондаревнинг «Соҳил», О. Ёқубовнинг «Диёнат», А. Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат», Н. Думбадзенинг «Оқ байроқлар» асарлари юзага келди.

Ана шундай асарларда, Ю. Бондаревнинг тўғри таъкидлашича, «XX асрнинг фожиавийлигини идрок этиш ва инсоният умиди — истеъдоднинг икки қирраси» аён кўзга ташланди.

Етмишинчи йиллар охирларидан бу тенденция кучая борди. Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун», Н. Думбадзенинг «Абадият қонуни», Ю. Бондаревнинг «Йўл танлаш» каби асарларининг яратилиши тор косибчиликдан иборат беллетризм ва қуруқ эксперимент устун бўлган асарларни ўз-ўзидан четга суриб чиқарди.

Мен бу ўринда Ўрта Осиё ва Қозоғистон адибларининг бугунги кунда бунёд этган романлари ва уларнинг муштарак жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчиман. Сўнгги йилларда бу регионда романнинг жанрий-услубий структураси жуда ўзгариб кетди. Масалан, диалог-роман, портрет-роман, мушоҳада-роман, хроника-роман, мифологик-роман... Баъзан эса буларнинг барчасига хос хусусиятларнинг синтезини бир асарда учратамиз. Бунга мисол қилиб Н. Сафаровнинг «Наврўз» романини кўрсатиш мумкин. Албатта, танқидчиликда кўп ишлатиладиган «синтез» терминини фақат энг яхши намуналарга нисбатан қўллаш керак. Бошқа хил кўринишларни эса гибридлаштириш, бирикув деган тушунчалар билан белгилаб олса ҳам бўлади.

Романга хос етук мушоҳада ҳозирча тарихий романларда теранроқ қарор топаётир. Бу эса ҳамишагидек, ёзувчиларнинг ҳаётий-бадиий концепциялари миқёси, социал-тарихий тафаккурларининг гуманистик характеридан келиб чиқади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон адабиётлари тажрибалари бу жиҳатдан романчиликда янги йўналишни бошлаб берди.

Маълумки, адабиёт халқларни бир-биридан ажратиш учун эмас, уларни бир-бирига янада яқинлаштириш учун хизмат қилмоғи лозим. Октябрь инқилобигача меҳнаткаш халқлар, миллатлар ўртасида нифоқлар бўлиб турганлиги бизга яхши маълум. Лекин турли-туман бою

бек хонларнинг ғаразли қутқулари оқибатида вужудга келган бундай реакцион ҳодисаларнинг ижтимоий, синфий характерини ҳам яхши биламиз. Булар оддий халқнинг айби эмас, таъбир жоиз бўлса, тарихий фожиаси эди. Шу сабабли ҳам айрим нифоқ, тўқнашувларга миллий зиддиятлар тусини бермаслик керак, қолаверса, уларга уруғлар, элатлар ўртасидаги муносабат сифатида қараш керак, холос. Халқлар миллатларнинг шаклланиш жараёни эса кейинроқ кечди. Бу тарихий ҳақиқат. Тарихчи адибнинг бундан чекиниши ножоиздир. Мазкур проблема кўпчилик тарихий романларимизда тўғри ёритилмоқда. Совет адиблари ўтмишга мурожаат қилар эканлар, жамият тараққиёти босқичларини, ўша давр тарихий шароитини тўғри тушунган ҳолда объектив хулосалар чиқармоқдалар. Лекин, афсуски, айрим романларда бундан чекиниб, проблемага бирёқлама, нотўғри ёндошиш ҳоллари ҳам учраб қолмоқда. Бу тарзда ёндошиш грузин адиби Г. Абашидзенинг «Ялдо кечаси», қозоқ ёзувчиси И. Есенберлиннинг «Қаҳр» романларида кўзга ташланиб қолади. Г. Абашидзе Жалолиддин характеридаги ички зиддиятларни тўғри, ҳаққоний очиб бергани ҳолда, айрим ўринларда тарихий ҳақиқатга бирёқлама қарайди. Жалолиддиннинг Грузия тупроғига бостириб киришида меҳнаткаш халқни айблаш ўринсиз бўлади, деб ўйлайман. Чунки бу иш халқнинг хоҳиш-иродаси билан бўлмаган, аксинча, унинг эрксизлигидан далолат беради. Худди шунингдек, икки-учта олибсотар бир кўчманчини лақиллатиб кетса, бунинг учун Сирдарё бўйларида яшаган элатларнинг биронтасини гуноҳга қўймаслик керак. И. Есенберлин романининг у ер-бу ерида ана шундай оҳанглар сезилиб қолади.

Қадим ўтмиш кишилари, ҳодисаларидан бугунги ҳаётимизга ўхшаш жиҳатларни қидирамиз. Бу тенденция О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар», грузин адиби Ч. Амирежибининг «Дата Туташхиа», Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романларида ёрқин ифодасини топган.

Иккинчи масала — романнинг рационал мағзи ва ҳиссий қувватининг уйғунлиги ҳам шу тенденцияларга уланиб кетади. «Роман фикрлайди,— деб ёзади Ю. Суровцев,— бугунги роман мушоҳадаси эса янада теранроқ, кескинроқдир».

Менингча, Ю. Суровцев замонавий романларнинг жуда муҳим хусусиятини таъкидлаяпти. Эпиклик, интеллектуализм, маънавият таҳлилининг тераплашуви — ҳозирги романчиликнинг янги хусусиятлари шулар билан белгиланади.

Лекин шу фазилатларнинг тескари томони ҳам кўзга ташланиб қолмоқда: бир қанча романларимизда ўйчанлик қуруқ рационализмга айланиб, воқеа-ҳодисалар тасвирида, ҳарорат сусайиб кетмоқда. Таниқли рус танқидчиси А. Овчаренко рационализм ҳис-туйғулар ифодасини сиқиб қўяётганлигини П. Загребельний романлари мисолида тўғри таъкидлаб ўтди. Менингча, Ю. Бондарев сингари тажрибали ёзувчининг қизиқарли ёзилган кейинги романида ҳам «диалогизация», инсон борлиғи тўғрисидаги фалсафий мушоҳадалар реалистик тасвирга нисбатан кучайиб кетгандек таассурот қолдиради.

Бу хил кўринишларга мисол қилиб тожик адиби Ю. Акобировнинг «Норак», туркман ёзувчиси Т. Жумагелдиевнинг «Замин унутмайди» романларини кўрсатиш мумкин. Ҳар иккала романда ҳам муҳим муаммоларга қўл урилган. Лекин уларнинг иккаласида ҳам бу муаммоларни ҳал этишда фалсафий-маънавий теранлик етишмайди.

Болтиқбўйи адабиётларида яратилган айрим романларда эса ички монологларга кўп аҳамият бериш кутилган эстетик натижаларга олиб келмаётир. Чунки уларда фикр юритиш кучайиб, инсоннинг кечинмалари тасвири кейинги планга ўтиб қолмоқда.

Ҳатто миллий анъаналарида ҳис-туйғулар етакчи ўринни эгаллаб келган бизнинг регионимиз ижодкорлари ҳам қуруқ рационализмдан батамом халос эмаслар. Санъатнинг предмети, бош объекти инсон ва унинг ҳаёти ҳисобланар экан, унинг фикрлар олами билан ҳис-туйғулари дунёси ўртасидаги узвий алоқадорликни табиий равишда акс эттириш керак, деб ўйлайман.

Мени қизиқтираётган учинчи масала — романларимиз қаҳрамонидир. Негадир сўнгги пайтларда бу ҳақда кам гапирилмоқда. Ҳолбуки роман қаҳрамони проблемаси иккинчи даражали проблема эмас.

Бизнинг романчиларимиз сўнгги йилларда йирик шахсларга кўп эътибор бериб, ерни ер қилиб турган, заминни яшнатаётган оддий кишиларни унутиброқ қўймоқдалар. Бунинг оқибатида қаҳрамонларимизнинг маънавий юксаклиги, самимиятига ҳам бир оз путур етмоқда. Чунки асарларимизда «кўзга кўринган» кишилар образлари катта-катта ишларни бажарадилару ўзлари маънавий жиҳатдан кичикликларича қолаверадилар.

Бу борада ҳаётни янада теранроқ таҳлил этиб, меҳнатда эришаётган ютуқларимиз асосларини пухта ўрганиб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Шундагина бадиий қаҳрамонларимиз маънавиятини «йириклаштириш» йўллари янада ойдинлашади.

Адабиётимизда етук романлар кўп, янада олға силжиш учун намуна бўла оладиган юксак асарлар яратилган. Ўйлайманки, романчиларимиз замондошларимизнинг тафаккури, ҳис-туйғулари дунёсига кучли таъсир ўтказа оладиган асарларни яратадилар, бунинг учун имкониятларимиз беқиёсдир.